

63-боб. Қўшнилари яхши



15:30 / 12.10.2019 2076

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таолонинг наздида дўстларнинг энг яхшиси дўстларига энг кўп яхшилик қиладиганидир.

Қўшнилари энг яхшиси қўшиларига энг кўп яхшилик қиладиганидир», дедилар».

Шарҳ: Демак, қўшнилари энг яхшиси қўшиларига энг кўп яхшилик қиладигани бўлар экан. Биз ҳам ана шундай қўшиларидан бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим ва лобуд.

Дўстларнинг ва қўшнилари яхшисини аниқлашда исломий ўлчовларни ишга солишимиз керак бўлади. Уларни насаби, мансаби, мол-дунёси, қуввати ва бошқа нарсаларига қараб эмас, айнан дўстлари ва қўшнилари яхшилик қилишларига қараб баҳолашимиз лозим.

Ушбу ҳадисдан олинган фойдалар:

1. Дўстларнинг энг яхшиси дўстига энг кўп яхшилик қилишига қараб белгиланиши.
2. Қўшнилари энг яхшиси қўшнисига энг кўп яхшилик қилишига қараб белгиланиши.

«Одоблар хазинаси» китобидан